

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ТУПРОҚ -ИҚЛИМ ШАРОИТЛАРИДА СОЯ НАВЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК ВА ҲОСИЛДОРЛИК КҮРСАТКИЧЛАРИ

Ферузбек Қуранбоев  
Абдурауф Долимов

Мирзо улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети

### АННОТАЦИЯ

Мақолада соя навларининг такрорий экин сифатида Хоразм вилояти тупроқ – иқлим шароитларида ҳосилдорликни таъминловчи қимматли хўжалик белгиларининг айрим кўрсаткичлари статистик таҳлили келтирилган.

**Калит сўзлар:** соя, дуккак вазни, дуккак сони, дон сони.

### ABSTRACT

The article presents results of statistical analyzes of some yield-related economic valuable traits of soybean varieties used as a second crop planted in the soil - climatic conditions of the Khorezm region.

**Keywords:** shade, bean weight, bean number, grain number.

### КИРИШ

Дунёда инсонлар томонидан истемол қилинадиган озиқ овқат маҳсулотларининг оқсил, углеводлар, витаминалар ва минерал моддаларга бой бўлиши жуда муҳим саналади. Кўпгини олиб борилган илмий изланишларда инсон истеъмол қиласиган озиқ - овқат маҳсулоти таркибининг озуқавийлик калорияси 12 % ёки 90-100 г тенг бўлган оқсил ташкил этиш керак. Шундай оқсилга бой экинлардан бири соя ўсимлиги ҳисобланади [1]. Соя ўсилигининг озуқавий қиймати юқорилиги учун бутун дунёда қишлоқ хўжалик экинлари орасида муҳим экин ҳисобланади [2]. Соя ўсимлигининг генетик потенциалини доимий ўсиши ўсимлик маҳсулотига асосланган оқсил ва мойга бўлган талабларни қондириш учун жуда муҳимдир, чунки киши жон бошига соя маҳсулотлари истеъмоли 2029 йилга келиб 17 % га ошади [3]. Дунёда соя этиштириш бўйича замонавий технологиялардан фойдаланиш орқали тупроқ - иқлим шароитларига (юқори ҳарорат, сув танқислиги) мослашишга қаратилган селекция ишлари натижасида бу экиннинг майдони ва ҳосилдорлиги йилдан йилга кенгайиб



бормоқда. Сүнги 60 йил ичида дунё бўйлаб соя ўсимлиги ҳосилдорлиги аста секин ўсиб борди. Бу вакт ичида дунё бўйлаб соя ҳосилдорлиги ўртача 1128 кг/га дан 2769 кг/га гача ошиди. Ҳосилдорликни ошиб боришда соя навларининг генетик томондан яхшилангани сабаб бўлди. Чунки замонавий навлар эски навларга қараганда кўпроқ ҳосил беради [4].

## АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўтказилган тажрибаларда кичик майдонларга экилган соя ўсимлиги ҳосилдорлиги (12,777 кг/га) анча юқори ҳосилдорлик қайд этилган бўлсада, катта майдонларда суғоришдан фойдаланган ҳолда оптимал шароитларда етиширилганда камдан кам ҳолларда 6,725 кг/га дан ҳосил олишган [5, 6].

Соянинг микдорий белгиларини ўзгарувчанлик қонуниятларини аниқлаш ҳосилдорликка боғлиқ бўлган экологик барқарор белгиларни ўрнатишида, селекциянинг дастлабки босқичларида қимматли генотипларни аниқлаш самарадорлигини оширишга, гибридологик тахлилларга асослан ва морфологик белгиларни ҳосилдорлик билан боғлиқлигини аниқлашга, навлар учун бошланғич материалларни баҳолаш усувларини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Тадқиқотларимизни Ҳоразм вилояти Урганч туманида такрорий экилган соя навларида олиб борилди. Тадқиқот обьекти сифатида Россия селекцияга мансуб Селекта-302, Спарта, Дуар ва маҳаллий соя навларидан Тўмарис ва Устоз навларидан фойдаланилди. Тадқиқот манбаи сифатида ҳосилдорликни таъминловчи қимматли хўжалик белгилари ўрганилди. Тахлил натижаларида туп хисобидаги дуккаклар сони тахлил қилинганда энг юқори натижа Тўмарис навида кузатилиб бир тупдаги умумий дуккаклар сони  $42,7 \pm 2,9$  донани ташкил этди. Кейинги натижани Устоз нави қайид этиб  $41,0 \pm 1,7$  донани ва Тўмарис навидан дуккаклар сони бўйича 3,9 % га паст эканлиги аниқланди.

1-жадвал.

Навларнинг дуккаклар сони, дона

Навлар	X±Sx	Limit	σ	V%
Спарта	$39,7 \pm 4,26$	37-48	7,37	15,5
Дуар	$38,7 \pm 2,19$	36-43	3,79	9,8
Селекта -302	$39,0 \pm 1,53$	37-42	2,65	6,8
Устоз	$41,0 \pm 1,73$	38-44	3	7,3
Тўмарис	$42,7 \pm 2,91$	38-48	5,03	11,8

Спарта ва Слекта - 302 навида дуккаклар сони нисбатан сезиларли фарқ йўқлиги аниқланиб  $39,7 \pm 4,2$  ва  $39,0 \pm 1,53$  донани ташкил этганлиги аниқланди.

Соя навларининг умумий ўртача дуккаклар вазни тахлил қилинганда энг юқори натижа Тўмарис навида кузатилиб дуккаклар вазни  $24,3 \pm 1,82$  г эканлиги қайид этилди. Устоз навида дуккаклар вазни Тўмарис навидан 4,1 % паст эканлиги ва умумий дуккаклар вазни  $23,3 \pm 1,62$  г, Селекта – 302, Спарта ва Даур навларида 22 г дан 22,6 г оралиғида ўзгариб турганлиги билан фарқланди (2-жадвал).

2-жадвал

#### Навларнинг бир ўсимликдаги дуккаклар вазни, г.

Навлар	X±Sx	Limit	σ	V%
Спарта	$22,6 \pm 3,11$	17-28	5,39	23.9
Даур	$22,0 \pm 2,06$	19-26	3,57	16.2
Селекта -302	$22,2 \pm 1,5$	19-24	2,72	12.3
Устоз	$23,3 \pm 1,62$	20-25	2,8	12.0
Тўмарис	$24,3 \pm 1,82$	21-27	3,16	13.0

Яна бир кўрсаткичлардан бири ўсимликдаги дон сони бўйича энг юқори натижа Устоз навида ва энг паст натижа Даур навида кузатилди. Устоз навининг дон сони  $82,6 \pm 6,36$  донани ташкил этди. Ушбу навнинг дон сонини қўп миқдорда бўлиши дуккаклар сонига боғлиқ ошганлиги билан изохлаш

3-жадвал


#### Навларнинг бир ўсимликдаги дон сони, дона.

Навлар	X±Sx	Limit	σ	V%
Спарта	$74,7 \pm 5,33$	64-81	9,23	12,3
Даур	$66,7 \pm 6,13$	54-74	10,61	15,9
Селекта -302	$73,5 \pm 3,94$	68-81	6,83	9,3
Устоз	$82,6 \pm 6,36$	74-95	11,02	13,3
Тўмарис	$80,2 \pm 3,93$	74-87	6,8	8,5

мумкин. Устоз навининг дон сонини қайтариқлар бўйича 74 донадан 95 донагача борлиги, бир дуккакда биттадан учтагача донлар борлиги хисобига ўзгариб турганлиги қайид этилди. Устоз навининг дуккаклар сони ва вазни бўйича Тўмарис навдан сезиларсиз фарқ билан паст натижа кузатилган бўлса хам аммо дуккақдаги донларнинг қўплиги билан нисбатан сезиларсиз юқори натижа кўрсатди. Тўмарис навида донлар сони  $80,2 \pm 3,93$  дона ва Устоз навидан 2,9 % га паст натижа кўрсатганлиги кузатилди. Спарта ва Селекта -302 навларининг бир ўсимликдаги донлар сони  $74,7 \pm 5,33$  ва  $73,5 \pm 3,94$  донани ташкил этган бўлса, юқори



натижа кўрсатган Тўмарис навидан 9,56 ва 11,1 % га паст натижани қайид этди. Дуар навида энг паст натижа кузатилиб, бир ўсимлиқда дон сони бўйича  $66,7 \pm 6,13$  донани ташкил этди.



**1-Расм. Навларнинг қимматли хўжалик кўрсаткичлари.**

Умуман навларнинг бир ўсимлиқдаги донлар сони асосан дуккаклар сони ва унда жойлашган дон сонининг миқдори билан ифодаланилади. 1-расмдаги таҳлилиларда ҳосилдорликни таъминловчи бир ўсимлиқдаги дон сони, дуккаклар сони ва дуккаклар вазни бир брига боғлиқ равишда ошиб борганлиги аниқланди.

## ХУЛОСА

Навларнинг умумий ўртача бир ўсимлиқдаги дон сони, дуккаклар сони ва дуккаклар вазни таҳлил қилинганда дуккаклар сони юқори бўлган навларда дон сони ва дуккаклар вазни хам ортганлиги аниқланди. Таҳлил натижаларида Устоз ва Тўмарис навлари хўжалик учун аҳамиятли бўлган ҳосилдорликни таъминловчи кўрсаткичлари қолган навларга нисбатан юқорилиги аниқланди.

## REFERENCES

1. Caroline B., Damien B., Sara H., Wayne I. How Healthy Are Non-Traditional Dietary Proteins? The Effect of Diverse Protein Foods on Biomarkers of Human Health. *Foods*, 2022. V 11., P.-522.
2. Kim Y. H., Hwang S. J., Waqas M., Khan A. L., Lee J. H., Lee J. D. Comparative analysis of endogenous hormones level in two soybean (*Glycine max* L.) lines differing in waterlogging tolerance. *Front. Plant Sci.* 2015. V.6., P.-714.

3. OECD and Food and Agriculture Organization of the United Nations, 2020.
4. Rincker, K., Nelson, R., Specht, J., Sleper, D., Cary, T., Cianzio, S. R. Genetic Improvement of U.S. Soybean in Maturity Groups II, III, and IV. *Crop Sci.* 2014. V. 54, P. 1419–1432.
5. Van Roekel R. J., Purcell L. C., and Salmerón, M. Physiological and management factors contributing to soybean potential yield. *Field Crops Res.* 2015. V. 182, P. - 86–97.
6. Winsor, S. Record-Setting soybeans: what CCAs should know. *Crops Soils.* 2021. V. 54, P. - 11–17.